

"ТАСДИҚЛАНГАН"

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"

"ANOR BANK"
акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар
миллий агентлиги

Кузатув Кенгашининг
2024 йил 10 октябрдаги
қарори билан


Директорнинг биринчи

Кузатув Кенгаши раиси

Ўринбосари



Ш.Н. Носиров



В.Ю. Пак

2024 йил "30" октябр 09:16-10 -сон

**"ANOR BANK" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚАРОРИ**

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	1	0	P	0	9	1	6	R	2
	R	U	2	1	0	P	0	9	1	6	R	0

Эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги 100 000 000 (юз миллион) дона ва имтиёзли ҳужжатсиз шаклдаги 35 000 000 (ўттиз беш миллион) дона акциялар, ҳар бирининг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм.

Акцияларнинг чиқарилаётган умумий суммаси 135 000 000 000 (бир юз ўттиз беш миллиард) сўм.

Акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.
Акцияларнинг ўшбу чиқарилиши ўнинчи чиқарилишдир.

"ANOR BANK" АЖ Кузатув Кенгашининг 2024 йил 10 октябрдаги 51- сонли қарори билан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи курсатилади)

"ANOR BANK" АЖ Кузатув Кенгашининг 2024 йил 10 октябрдаги 51- сонли қарори билан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор тасдиқланган
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи курсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Сайрам кўчаси 5-тор кўчаси 4 уй. Телефон: (+99855)503-00-00, электрон почта манзили: info@anorbank.uz

Бошқарув раиси:



Ш.С. Акрамов

Бош бухгалтер:

У. М. Бабаев

Сана: 2024 йил ____

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий ҳужжатсиз шаклдаги 100 000 000 (юз миллион) дона имтиёзли ҳужжатсиз шаклдаги 35 000 000 (ўттиз беш миллион) дона.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 1000 (бир минг) сўм.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 135 000 000 (бир юз ўттиз беш миллион) дона.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 135 000 000 000 (бир юз ўттиз беш миллиард) сўм.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:
Ушбу чиқарилишдаги акциялар акциядорларга қуйидаги ҳуқуқларни беради:
 - банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
 - депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - банк тугатилган тақдирда узларига тегишли улушга мувофиқ мол - мулкнинг бир қисмини олиш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
 - имтиёзли акцияларнинг эгалари – акциядорлар банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек банк уставига акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга имтиёзли акциялари билан иштирок этадилар;
 - банкнинг молия - ҳужалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, конфиденциал маълумотлар бундан мустасно;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қонунчиликда белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзига тегишли бўлган акцияларини бир қисмини (ёки тўлиқ) банк томонидан қайтариб сотиб олишни талаб қилиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
 - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
 - банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
 - банк томонидан жойлаштирилаётган қўшимча акцияларни имтиёзли сотиб олиш;
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Ушбу чиқарилувдаги акцияларни олинишига нисбатан Банк уставига чекловлар мавжуд эмас.

“ANOR BANK” АЖни қўшимча чиқарилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ оддий ва имтиёзли эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акцияларнинг эгалари ушбу турдаги акциялар сонига мутаносиб равишда ушбу чиқарилиш акцияларини сотиб олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуқ қўлланилгандан сўнг қолган акцияларнинг сони акциядор Олимов Кахрамонжон Анварович (OLIMOV KAXRAMONJON ANVAROVICH) номига жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 665 000 000 000 (олти юз олтмиш беш миллиард) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 500 000 000 (беш юз миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз ва 165 000 000 (бир юз олтмиш беш миллион) дона имтиёзли эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Банк томонидан облигациялар чиқарилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу акциялар чиқарилувини ёпиқ обуна хусусий жойлаштириш йўли билан Банк акциядори Олимов Кахрамонжон Анварович (OLIMOV KAXRAMONJON ANVAROVICH) номига жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши уюшмаган бозорда амалга оширилади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимларни тузиш йўли билан, шунда ушбу акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш кунига, яъни 2024 йил 10 октябр ҳолатига, шаклланган реестрида қайд этилган акциядорларга акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бериш йўли билан.

Имтиёзли ҳуқуқ қўлланилгандан сўнг қолган акцияларнинг сони акциядор Олимов Кахрамонжон Анварович (OLIMOV KAXRAMONJON ANVAROVICH) номига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу чиқарилувдаги акцияларни жойлаштириш муддати - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акцияларнинг қўшимча чиқарилувини давлат рўйхатидан ўтказган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги кун. Агар бу муддат ўткунга қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, жойлаштиришни бошлаш санаси охириги ариза келиб тушган кунидан бошланади. Агар жойлаштириш бошланиш санаси дам олиш кунига туғри келадиган бўлса, жойлаштириш бошланиш санаси кейинги биринчи иш кунига ўтказилади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – охириги акцияни жойлаштириш санаси, лекин қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб бир йилдан кечиктирмай.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битим асосида тегишли шартномалар тузиш ва уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш йули билан жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги банк акцияларни жойлаштиришда банкка қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (андерратерларни) жалб қилиш назарда тутилмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони: Марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси Акциядорлик жамияти тўғрисида маълумот:

Тўлиқ номи - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси Акциядорлик жамияти;

Ташкилий-хукукий шакл: **Акциядорлик жамияти;**
Жойлашган жойи ва почта манзили - **100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустакиллик шохкўчаси, 107-уй,** телефон: (+99871) 267-37-42, факс: (+99871) 267-36-94.

Хукукларни ҳисобга олган инвестиция воситачилари ҳақида маълумот:

Тўлик номи – «**UNIVERSAL DEPOZIT**» масъулияти чекланган жамияти;

Ташкилий-хукукий шакл: **масъулияти чекланган жамияти;**

Жойлашган жойи ва почта манзили - **100060, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Олмачи кучаси 26-уй,** телефон: (+99871) 268-28-08.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукукни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга имтиёзли хукуқига эга бўлган акциядорлар 2024 йил 10 октябрь ҳолатига шаклланган реестрида қайд этилган оддий ва имтиёзли хужжатсиз акцияларнинг эгалари-акциядорлар сотиб олиш хукуқига эга.

Қўшимча чиқарилишдаги акцияларни сотиб олишга бўлган имтиёзли хукуқи акциядорларга тегишли бўлган банк акциялари сонига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш хукуқининг амал қилиш муддати 10 календар кунда белгиланади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда акциядорларни оммавий ахборот воситалари орқали уларнинг ушбу чиқарилувдаги жойлаштирилаётган акцияларни имтиёзли сотиб олиш хукуқи борлигини хабардор қилиш тўғрисидаги эълон чоп этилган кундан бошлаб. Билдиришнома жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядорни сотиб олиш хукуқига эга бўлган акциядорлар сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг ушбу хукуқини амалга ошириш муддати ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Имтиёзли хукуқига эга бўлган акциядор ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони ва тўлов хужжати, имтиёзли хукуқини тўлик ёки қисман амалга ошириш хукуқига эга бўлган банкга ёзма шаклдаги ариза орқали амалга ошириш мумкин. Бундай ариза банкга имтиёзли хукуқнинг амал қилиш муддати давомида юбориш керак.

Имтиёзли хукуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли хукуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли хукуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Имтиёзли хукуқ қўлланилгандан сўнг қолган акцияларнинг сони акциядор Олимов Кахрамонжон Анварович (OLIMOV KAXRAMONJON ANVAROVICH) номига жойлаштирилади.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилаётган акцияларнинг жойлаштириш нархи 1000 (бир минг) сўм, яъни номинал қийматида жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Акциядорлар акциялар учун тўловни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосан инвестиция воситачиси томонидан рўйхатдан ўтказган акциядор ва эмитент ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Акцияларни сотиб олиш пулсиз воситалар орқали кўзда тутилмаган. Акциялар бўйича тўловлар пул маблағлари билан нақд ёки нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Банк реквизитлари: х/р 2983 0000 3000 0118 3001 «ANOR BANK» АЖ

МФО 01183

ИНН 207324986.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилувдаги акциялар 100%дан кам миқдорда жойлаштирилганда, ушбу чиқарилув амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда банк ушбу ҳолат тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, акциядорларга билдиришнома юбориш, шуниндек корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва банк веб-сайтида (www.anorbank.uz) расмий хабарнома эълон қилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида акция учун тўлов сифатида олинган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу чиқарилув тўғрисидаги маълумот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қилинади, шу жумладан корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва банк веб-сайтида (www.anorbank.uz).

Банкнинг қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги Карорнинг асли нусхаси ва нусхаси билан Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Сайрам 5-тор кўчаси, 4-уй ёки банкнинг расмий веб-сайтида (www.anorbank.uz) танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар - кўзда тутилмаган.

5
Тикилган ва рақамланган _____ варақ

Бошқарув раиси _____ Ш.С. Акрамов

Бош ҳисобчи _____ У.М. Бабаев

